

## **КУЗГИ НҮХАТ ВА ЯСМИҚ НАВЛАРИНИ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

*к.х.ф.ф.д., лаборатория мудири, Жабаров Фаррух Одирович  
Жанубий дәхқончилек илмий тадқиқот институти*

**Аннотация:** Ҳозирги кунда инсон оргнизмини оқсилга бўлган талабини асосий қисми дуккакли экинлар ҳисобланган нўхат ва ясмиқ экинлари ҳиссасига тўғри келади. Кейинги йилларда фермер хўжаликлари томонидан турли четдан келтирилган нўхат ва ясмиқ уруғларининг экилиши натижасида уруғлар униб чиқмай чириб кетиши, турли касалликлар билан қучли заарланиши оқибатида ўсимликлар нобуд бўлиши ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

**Калит сўзлар:** нўхат, ясмиқ, уруғчилик, оиласлар, кўпайтириш.

Етиштирилган нўхат ва ясмиқ ўсимликлари поялари техникалар билан ўриб олишга мослашмаганлиги сабабли ортиқча сарф-харажатлар қилинишига олиб келмоқда. Қўл кучи ёрдамида ёппасига қисқа муддатда ҳосилни йиғиштириб олиш имкони йўқлиги сабабли етиштирилган ҳосил тўкилиб кетиб, нобудгарчилик юзага келмоқда. Шунинг учун барча нўхат ва ясмиқ етиштирувчи фермер, дәхқон ва шахсий томорқа ерлари эгалари фақатгина республикамиз тупроқ ва иқлим шароитига мослашган, касалликларга чидамли, абиотик омилларга бардошли, ҳосилдор ва дон сифати юқори навларни танлаш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Ясмиқнинг азотни фексатсия қилиш қобилияти тупроқнинг озуқавий ҳолатини яхшилайди, бу еса ўз навбатида ишлаб чиқаришни барқарорлигини та’минлайди. Ясмиқ анъанавий равишда лалмикор майдонларда етиштирилади ва қўпинча вегетатсия даврида чекланган ва тартибсиз ёғингарчилик туфайли қурғоқчиликка дуч келади ва сувнинг кескин танқислиги ва қурғоқчиликнинг кучайиши бошланади [1].

Дуккакли ўсимликлар илдизида туганак бактериалар шаклланиб улар хаводаги эркин азотни ўзлаштиради ва тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Нўхат лалми ерларда ўстириладиган экин бўлиб, у асрлар давомида муайян шароитларга мослашиб келган. [2].

Ургуи узунчоқ, бурунли, думалоқ, аник кўзга ташланадиган қиррадор бурчакли, худди шохи эгилган қўй бошини эслатади. Ургунинг ранги жуда хилма хил, бироқ қўпинча сарғиши пушти, тўқ сариқ, оч қизил, сариқ оқ, камдан кам қора, жигар ранг, тўқ бинафша, қизил зарғалдоқ рангли бўлади. 1000 донаси турли навларда 60 дан 600 гр гача бўлади [3].

Одатда йирик донли нўхатнинг пояси баландроқ, ўсув даври узунроқ. Майда донли паст бўйли нўхат эрта пишарлиги билан ажралиб туради. Нўхат типик ўз-

ўзидан чангланувчи ўсимлик. Гули ғунча ичида чангланиб бўлгандан кейин очилади. Гул банди гуллаш даврида тўғри, гули сўлий бошлаганда пастга эгилади ва меваси пиш-гунча шу ҳолда қолади. Дастребки гул асосий поянинг пастки қисмида ҳосил бўлади, олти-етти кундан кейин эса ён шохларида ҳам гул очилади. Бир туп ўсимликнинг гуллаш даври одатда 20-30 кунга чўзилади [4].

Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида нўхат учун унумдорлироқ, нам билан яхши таъминланадиган, кўп йиллик бегона ўтлардан тоза, типик ва бўз тупроқли ерлар ажратилиш керак. Нўхатнинг ўсув даври нав ва ўсиш шароитига қараб турличадир. Одатда унинг ўсув даври 80-110 кун, аксариат навлари униб чиққандан кейин 70-80 кунда пишади [5].

Лойиха доирасида кузги нўхатнинг сугориладиган майдонлари учун танлаб олинган, механизацияга мос, фотосинтетик маҳсулдорлиги юқори, касалликларга бардошли бўлган, ҳосилдор ва дондаги оқсил миқдори юқори бўлган Обод нави ва Обикор навлари, лалмикор майдонлар учун Лалмикор нави бошланғич уруғчилиги ташкил этилди.

Кузги нўхат навларининг бошланғич уруғчилиги учун 1-йил оиласар кўчатзори ташкил этилди. Унада кузги нўхат навларининг 200 тадан оиласари экилди ва уруғликлари жамғарилди.

#### 1-жадвал

#### Кузги нўхат навларининг 1-йил оиласари

Нав номи	Экилган оиласар сони, дона	Морфологик белгилари бўйича брак дона	Ҳосил дорли ги бўйича брак дона	Жами брак қилинган оиласар сони, дона	Жами ўриб олинган оиласар сони, дона	Жамғарилган уруғлик миқдори кг
Обод	200	18	22	40	160	48
Лалмикор	200	12	15	27	173	52
Обикор	200	6	19	25	175	55

Кузги нўхатнинг Обод навидан экилган 200 та оиласардан морфологик белгилари бўйича 18 та, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича 22 та, жами 40 та оиласар яроқсиз қилинди. Жами ўриб олинган оиласар сони 160 тани ташкил қилиб, умумий 48 кг 1-йил оиласар уруғлиги жамғарилди.

Кузги нўхатнинг Лалмикор навидан экилган 200 та оиласардан морфологик белгилари бўйича 12 та, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича 15 та, жами 27 та

оилалар яроқсиз қилинди. Жами ўриб олинган оилалар сони 173 тани ташкил қилиб, умумий 52 кг 1-йил оилалар уруғлиги жамғарилди.

Янги яратилган кузги нўхатнинг Обикор навидан экилган 200 та оилалардан морфологик белгилари бўйича 6 та, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича 19 та, жами 25 та оилалар яроқсиз қилинди. Жами ўриб олинган оилалар сони 175 тани ташкил қилиб, умумий 55 кг 1-йил оилалар уруғлиги жамғарилди.

Кузги нўхат навларининг 1 йил оилалар уруғчилиги Обод навидан 160 та оилалардан 48 кг, Лалмикор навидан 173 оилалардан 52 кг, Обикор навидан 175 оилалардан 55 кг, жами нўхат навларидан 155 кг уруғлик жамғарилди.

Янги яратилган ясмиқнинг Барака навидан 250 та ўсимликдан сара уруғлари танланиб келгуси йил уруғчилиги ташкил этиш учун жамғарив қўйилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Abdimajidov J. et al. SELECTION OF DROUGHT-RESISTANT LINES OF LENTILS IN RAINFED AREAS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 74-79.
2. Dilmurodov S., Kayumov N. SELECTION OF PRODUCTIVE LINES OF WINTER CHICKPEA FOR DRYLAND AREAS //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 27-31.
3. Kayumov N. S., Dilmurodov S. D. Selection of heat and drought tolerant varieties and lines of chickpea for rainfed areas //Высокие технологии, наука и образование: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 129-131.
4. Shakirjanovich K. N., Dilmurodovich D. S. Analysis of yield and protein content of drought-resistant chickpea lines for rainfed areas //International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 108-111.
5. Файзуллаева Д., Каюмов Н. Ш., Дилмуродов Ш. Д. Лалмикор майдонлар учун нўхатнинг эртапишар тизмалари селекцияси //Молодой учёный. – 2020. – №. 34. – С. 161-163.